

ЯНГИ БОҒЧА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



Қумқўрғон тумани Меҳрабод маҳалласида вилоят ҳокими Т.Боболовнинг ташаббуси билан 26-сонли ДМТТ янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Муассасанинг очилиш тадбирида туман ҳокими Р.Гаппаров, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Янги лойиҳа асосида (Сэндвич-панелли) барпо этилган боғча 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, маҳалла аҳлининг кўп йиллик орзуси ушалди.

Замонавий таълим даргоҳида болажонлар учун барча шарт-шароитлар

яратилган.